АДИБ ВА ЖАМИЯТ

# ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВ

МАВЛОНО МУҚИМИЙ «Мулки ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор. Шу эрур айбим Муқим, мардуми Фарғонаман» деганлар. Бу ҳол қисман бўлса-да, ҳамон давом этаётир. Бунга мисоллар кўп. Тошкентда бир марта қўноқ бўлиб қайтиб кетган шоир С. Есенинга музей очилсаю, шу ерда таваллуд топиб, яшаб ижод этган, жаҳонда олтинчи романчилик мактаби — ўзбек (туркий), яъни Туркистон романчилик мактабига асос солган, элим-юртим дегани учун, ҳақиқат ва адолатни куйлагани учун ҳибс этилиб, пинҳона отиб ташланган Абдулла Қодирийнинг ҳамон музейи йўқ.

Ёки бўлмаса, жумҳуриятимизга йўл усти бир-икки марта келиб, бир ёқлама материаллар ёзиб кетган Ю. Фучикка Тошкентда музей очилган. У Ўзбекистондаги коллективлаштириш сталинча зўравонлик билан, Украина ва Сибирияга қулоқ қилиб юбориш билан, қўрқитиш йўли орқали ўтказилганини яширган ёки масала моҳиятига умуман тушуниб етмаган. Хуллас, жумҳуриятимиз олдида эъзозласа бўладиган унинг бирор хизмати йўқ, ўтказиб қўйган жойи ҳам йўқ. Уни олқишлайдиган ўз халқи, ўз жумҳурияти бор. Бундай ишлар билан бизлар эмас, агар лозим топсалар, ўз авлодлари шуғулланишлари лозим. Бизда эса ўз қадрини тегишли даражада ҳамон топмаётган юзлаб, ҳаттоки минглаб сиймолар бор. Шулардан бири Юнус Ражабийдир. Унинг хизмати шундаки, агар шеърий «Хамса»ни туркий тилда Алишер Навоий яратган бўлса, **мусиқий «Хамса»**ни — «Ўзбек мақомлари»ни илк бор Юнус Ражабий яккалам этди, авлод-авлодларга мерос қилиб қолдирди. Бунинг қадрига етмоқ ва эъзозламоқ керак. Бироқ биринчи академик бастакоримиз ва атоқли хонандамиз, мусиқий муаллим ва мураббийнинг музейи йўқ. Менинг тасаввуримда, бу музей мусиқа салони, яъни мусиқа жавони, мақомхона бўлғусидир.

Ҳар бир доно ота-она ҳамма фарзандларига баб-баравар қарайди, бир хил меҳр кўргузадир, ана шунда оға-инилар, эгачи-сингиллараро нифоқ келиб чиқмайди. Ана шу удум, афсуски, халқимизнинг барча сиймоларига ҳам бир хилда қўлланилмаган ҳоллар кўп ва бу давом этаётир. Масалан, Мусо Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек муайян даражада эъзозлангани ҳолда ўшалар каби буюк сиймолар бўлмиш ал-Форобий, ал-Фарғоний, Кошғарий, Бурҳониддин Марғилоний сингари буюк зотлар хотираси етарлича қадрланганини йўқ. Ёки бўлмаса, Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат, Завқий ижоди бирмунча тарғиб қилингани ҳолда Яссавий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Хоразмий, Ҳусайний, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Феруз, Амирий, Фазлийлар ҳали бугунги ҳаётимиздан ўзларининг қонуний ўринларини олганлари йўқ. Ҳамзани жумҳуриятимизда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма билгани ҳолда унинг сафдошлари бўлмиш Сўфизода, Авлоний, Беҳбудийларга етарли эътибор кўргизилмаган. Ёки бўлмаса ,жумҳуриятимизда Ҳамид Олимжонга ўндан ортиқ ҳайкал ўрнатилган бўлса, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратга биттаям ҳайкал ўрнатилмади. Демак, халқ номидан гапирувчилар адашибдилар, чунки халқ ўз асл фарзандларига нисбатан «Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи» дейди. Энди бундан буёғига ана шундай баланд-пастликларга чек қўяйлик.

Ҳамма нарса ҳам меъёрида бўлгани маъқул. Иттифоқдаги барча метро станцияларига, барча шаҳарлардаги энг йирик стадионлар ёки саройларга Ленин номининг берилиши ҳам ўринли эмас, бу шахсга сиғинишнинг бир кўриниши деб ҳисоблаган бўлур эди Владимир Ильичнинг ўзи ҳам. Масалан, Тошкентдаги бош майдон, энг улкан сарой, энг марказий кўча, энг йирик туман, энг катта олий ўқув юрти, вафотидан кейин ярим аср ўтгач қурилган метрополитен, хотин-қизлар педагогика билим юрти ва ҳоказолар унинг номи билан аталади. Битта шахс номи билан шунча жойнинг аталиши камтарликка кирмаса керак. Владимир Ильичнинг камтарликни фазилат деб ҳисоблаганини назарда тутиб ва адолат юзасидан иш юритиб, шу жойларнинг айримларини бошқа сиймолар номи билан атасак тўғри бўларди, деб ўйлайман.

Юртим ташвишларидан яна бири марказдаги айрим эскича фикрловчи кучларнинг жумҳуриятимиздаги мустақиллик сари қўйилаётган қадамларга зид иш тутишидир. Лекин марказда ҳам холис олимлар бор. Шулардан бири СССР халқ депутати, академик Н. Амосовнинг фикрича («Литературная газета», 1990 йил, 7 ноябрь, 45-сон), «Эски тушунчадаги империяни энди бошқариш мумкин эмас. Демак, олий ҳокимиятни жумҳуриятларга бўлиб бериш керак. Биздаги иқтисодиётни гўё бўлинмас, дейиш бачканаликдир. Ҳар бир жумҳуриятнинг «ташқи» савдоси 20—30 фоиз атрофидадир. Исталган Оврупо мамлакатида бу кўрсаткич юқоридир».

Бу кўчирмани келтиришдан мақсадим шуки, марказ иттифоқдош жумҳуриятларни ўз жиловида қаттиқ тутиб тураверш илинжида турли важ-карсонларни сабаб сифатида рўкач қилиши асоссиздир. Жумҳурият иқтисодиётини юргизишда жаҳон тажрибасидан, биринчи навбатда, ўз тарихий тажрибамиздан фойдаланайлик. Муддати кўрсатилган шартнома асосида ташқаридан — чет эллардан, шу жумладан, иттифоқдош жумҳуриятлардан мутахассислар, агар зарурати бўлса, вақтинча малакали ишчиларни олиб келиб, масалан, кон саноатини равнақ эттириш мумкин. Ўз мутахассисларимиз ва малакали ишчиларимиз етишиб чиқиши биланоқ шартномада кўрсатилган муддатларда уларга жавоб бериб юборамиз. Нефть саноатини ривожлантиришда араб мамлакатлари шу йўлни тутдилар ва беқиёс ютуқларни қўлга киритдилар. Бу қўҳна Туркистон учун янгилик эмас, албатта, балки босиб ўтилган, лекин унутилаётган бир йўлдир. Маълумки, Амир Темур Самарқандни обод қилмоқ, янги корхоналар, жумладан, қурол-аслаҳа, олтин ва кумуш тангаларни зарб этувчи корхоналарни очиш учун бошқа ўлкалардан моҳир усталарни битим асосида, яъни маълум миқдорда олтин билан ҳақ тўлаш йўли билан таклиф этган. Улар ҳалол ишлаганлар, чунки меҳнатлари эркин бўлган. Амир Темур вафотидан кейин, бобоси тахтига ўтирган Ҳалил Султон ўша усталардан ўз юртига кетишни истаганларни ҳурмат-иззатини жойига қўйиб жўнатиб юборган. Чунки замон нисбатан нотинч бўлиб, тож-тахт учун кураш тўхтамагани сабабли йирик қурилишлар вақтинча тўхтаб қолган эди, корхоналарни юритиш учун хомашё етишмасди. Хуллас, тарихимизда ҳар борада ҳам ибрат олса арзийдиган нуқталар бор. Тарих ҳукми билан оқланган тажрибалар, албатта, самара келтиргусидир.

МЕНИ ЖУДА ташвишга солаётган нарсалардан бири миграция деб аталувчи ҳолат — аҳолининг у ёқдан бу ёққа кўчиб юришидир. Кейинги олтмиш-етмиш йиллик тарихимизда жумҳуриятимизга келганлар кимлар? Не ниятда келишган эди улар. Ҳозир не ниятда келмоқдалар? Кетаётганлар асосан кимлар? Бу масалаларга чуқур қарасак, шу хулосага келишимиз аниқ — жумҳуриятга келганларнинг ҳаммаси ўз манфаатини ўйлаб қадам қўйган. Жумҳурият манфаатини ўйлаш ҳатто уларнинг тушига ҳам кирмаган. Ўтган асрда асосан қурол кўтариб келганлар, қўлида қуроли бор кимсанинг нияти нима бўлишини гапириб ўтириш ортиқчадир.

Инқилоб йиллари деб аталмиш даврда келганларнинг аксарияти М. Фрунзега аскар, Ф. Дзержинскийга навкар эдилар. Йигирманчи йилларда келганлар асосан қорин тўйдириш ва тирик қолиш илинжида эдилар. Мен ўрганиб чиқдим, ҳатто «илм эшелони» билан дорилфунун очиш учун келганларнинг ниятлари бизлар соддалик қилиб ўйлаб келганимиздек эмас экан. Улар келгач, биринчи навбатда 1918 йилда Мунавварқори бошчилигида тузилган Туркистон халқ дорилфунунининг мусулмон қисми тугатилади. Туркистон давлат дорилфунунига мутлақ кўпчиликни ташкил этувчи тубжой халқ фарзандлари деярли ўқишга олинмайди. Фикримнинг исботи учун битта мисол келтираман. Биринчи ўқув йилида, яъни 1920 йили Туркистон Давлат дорилфунунида ўқиган 1467 нафар талабанинг атиги 38 нафари тубжой миллат вакиллари эди, яъни талабанинг икки ярим фоизи тубжой миллат вакиллари бўлса, 97 фоизи овруполиклар эди. Ваҳоланки, ўша пайтда бутун Туркистонда тубжой миллат кишилари аҳолининг 97—98 фоизини ташкил этарди. Бу қиёслов аслида Тошкентда очилган ўша дорилфунун туркистонликлар учун эмас, балки оз сонли овруполиклар учун хизмат қилишга даъват этилганини кўрсатади. Дорилфунун номидаги Туркистон сўзи бир ниқоб эди, холос. Шу сабабли ҳам тубжой миллат фарзандлари ўз шаҳарларидаги дорилфунунга киролмай, олис Олмония мамлакатига ўқишга кетишга мажбур бўлган эдиларким, энди бу алоҳида бир мақоланинг мавзусидир. Айтгандай, дорилфунундаги талабаларни қабул қилишдаги миллий ва миқдорий камситилиш иллатига жумҳурият пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчиб келгач, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовнинг тўғри сиёсати натижасида аста-секин барҳам берила бошлайди.

1966 йилги зилзила халқимиз бошига учта улкан фожиани келтирди. Буларнинг бири ҳақида кўп гапирилган: шунча минг тошкентлик бошпанасиз қолди, лекин уларга ўн тўртта иттифоқдош жумҳурият ёрдамга келиб, уй-жой қуриб беришди, дейилади. Муайян даражада бу гап тўғридир. Лекин давлат маблағи ҳисобидан ва давлат томонидан қурилган бинолар асосан кимларга берилди, бу ҳақдаги ҳисоб-китоб сир тутилади. Лекин хуфтондан кейин шаҳар марказида юрсангиз, ўзбекча гап-сўзни деярли эшитмайсиз. Зилзиладан зарар кўрган тубжой аҳоли ҳозир асосан шаҳар чеккаларида жойлашган ва ўз маблағи ҳисобига ва ўз қўли билан хомғиштдан қурилган иморатлардан иборат Янги Лабзак, Янги Дегрез сингари маҳаллаларда яшамоқдалар. Зилзила туфайли тубжой аҳолининг шаҳар марказидан четга кўчиб кетиши пойтахтимизнинг миллий қиёфасига катта таъсир кўрсатгани аниқ. Зилзила туфайли пойтахтимиз бошига тушган учинчи фожиа шуки, ўша пайтда шаҳар бедарвозалигидан фойдаланиб, турли бетайин кимсалар келиб қолишди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдулҳай Абдуллаев бундай ҳикоя қилади: «Зилзиладан кейин Тошкентга келган қурувчилар ўзлари билан турли юқумли хасталикларни, жумладан, тери-таносил касалликларини ҳам келтирдилар. Шаҳримизда 1968 йилга келиб ифлос касалликлар шу даражада кўпайиб кетдики, бу кўрсаткич бўйича Тошкент жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди, янги шифохоналар очиш ёрдам бермай қолди. Шунда ўша пайтдаги Марказком котибларидан бири мени бош мутахассис сифатида маслаҳатга чақирди, «Нима тадбир кўрсак бу шармандали аҳволдан қутуламиз?» деди. «Касалликни бартараф этиш учун аввало унинг ўчоқларини йўқ қилиш керак, яъни қурувчиларни ялписига тиббий кўрикдан ўтказиб, шармандали касалликка чалинганларини зудлик билан мажбурий равишда келган жойларига қайтариб юбориш зарур», дедим. «Бу мумкин эмас, — деди котиб. — Янги Тошкентни барча совет халқлари қуряпти, деб бутун жаҳонга маълум этганмиз. Таклифингиз халқлар дўстлиги сиёсатига зиддир. Бошқа тадбир топинг». «Бошқа тадбир йўқ, барибир касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади», дея олим сифатида ўз фикримдан қайтмадим, айтганимдан бўлак тадбирнинг ўзи йўқ эди-да. Ана шу ўжарлигим докторлик ҳимоямни беш-олти йил орқага суриб юборди», дейди муҳтарам олим ҳикоясини якунлаб.

Яқинда қозонлик ва львовлик икки ҳамкасаба дўстимдан (уларни Москвада ўқиганимда орттирганман) мактублар олдим. Қозонлик дўстим Татаристонда мустақиллик декларацияси қабул қилиниши муносабати билан турли сабаб ва баҳоналарга кўра ҳар ёққа тарқаб кетган ва тарқатиб юборилган юртдошларини тарихий ватанга қайтариш лозимлигини ёзиб, Ўзбекистондаги татар аҳолисига шу ҳақда биргаликда матбуот орқали мурожаат қилишимизни таклиф этибди. Мен бу таклифга бажонидил рози бўлдим. Львовлик дўстим эса Ўзбекистонда украин аҳолисидан қанча яшайди, уларнинг турмуши қандай — шулар ҳақида маълумот сўрабди. Билганларимни ёзиб юбордим. Корейс аҳолисига мансуб қўйлиқлик танишим суҳбатда Узоқ Шарққа — ўз тарихий ватанига қайтиш ниятини билдирди. Унга ҳам оқ йўл тиладим. Ўзбекистонга келиб қолган аҳоли ўртасида тарихий ватанларига қайтиш истаги туғилган экан, «Литературная газета»да таклиф қилинганидек, уларга ёрдам кўрсатилиши зарурлигини ҳаёт тақозо қилмоқда.

ШУ ПАЙТГАЧА Москвада чиқаётган газета-журналлар гарчи Иттифоқ ташкилотларининг органлари ҳисобланса-да, Ўзбекистон ҳаётини деярли ёритмайди, ёритса, одатда бирёқлама ёки нотўғри материаллар бериб келгани аниқ. Бундан буён ҳам шундай калондимоғлик давом этадиган бўлса, марказий газеталарни, биринчи галда «Правда», «Известия», «Труд»ни Ўзбекистон ССЖга тааллуқли органлар дейиш қийин. Ўзбекистонга доир материаллари ўз газетасида деярли чиқмайдиган мухбирларни сақлашдан нима фойда? Тағин улар ҳатто махсус транспорт воситаларидан ҳам фойдаланадилар-а?

Ҳар гал марказий газета-журналларнинг янги сонларини варақлар эканман, икки ташвиш мени ҳаяжонга солади: бири шуки, яна бирор ёлғон-яшиқни ёзмадиларми, дейман. Иккинчиси шуки, зора Ўзбекистон ҳақида бирор илиқ гапни ўқисам, деб орзу қиламан. Ўйлайманки, дилимдан кечадиган бу иккала туйғу юртдошларим хаёлларидан кечса ажаб эмас. Матбуотнинг ростгўй бўлиши юртимнинг бугунги кундаги жиддий ташвишларидан бири бўлиб турипти.

...Қодирий номида ҳам мукофот таъсис этилгани илк муждадир.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

# ГИЁҲЛАР ОЛАМИДАГИ ГАВҲАР

- Бойлигимиз топталмасин
- Дори-дармонларни ўзимиз тайёрлайлик
- Сариқнинг давоси топилган. Бироқ...

ИНСОНИЯТ ТАРИХИ билан тенг табобат фанининг ўқилмаган саҳифаларига бўлган қизиқиш бугунги кунга келиб жуда кучайиб кетди. Шифобахш ўсимликларнинг хосиятини қадим замонлардаёқ англаб етиб, улардан турли хасталикларни даволаш учун фойдаланишган алломалар ўз тажрибаларини асарлар шаклида келгуси авлодларга қолдириб кетишган. Ўз даврининг йирик мутафаккири, замонавий тиббиётнинг асосчиси Гиппократ ўша вақтнинг ўзидаёқ 236 тур ўсимликнинг дори-дармон сифатида ишлатилишини қайд этиб ўтган эди. У «ўсимликнинг ўзидан ёки ширасидан дори-дармон сифатида фойдаланиш ажойиб натижалар беради», — деб таъкидлаган эди.

Ўтмишнинг улуғ алломалари Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий, Абу Райҳон Беруний сон-саноқсиз беморларни шифобахш ўсимликлар ёрдамида даволаб, ўзлари учун абадий эҳтиром ва эъзоз оламини яратиб кетдилар. Буюк аллома Абу Али ибн Сино машҳур «ТИБ ҚОНУНЛАРИ» асарида 396 тур ўсимликнинг шифобахш хусусиятларини баён этиш билан бир қаторда, улардан хасталикларни даволашда фойдаланиш йўлларини муфассал кўрсатиб ўтган эди. Мана, орадан минг йилдан зиёдроқ вақт ўтса ҳамки, алломамизнинг кўрсатмалари ўз кучини йўқотмади.

Аммо, XX асрнинг иккинчи ярми эса тарих учун шифобахш ўсимликлардан кўр-кўрона юз ўгириш даври бўлиб қолди. Кимёвий йўллар билан олинаётган сунъий дорилар шифобахш гиёҳларни табобатдан суриб чиқарди. Беморларни хорижий мамлакатлардан келтирилган кимёвий дорилар билан даволаш оммавий тус олди. Инсон саломатлиги биринчи навбатда атроф-муҳитга, об-ҳавонинг мусаффолигига, озиқ-овқатнинг саралигига, кийим-кечакларнинг табиийлигига, қолаверса, ташқи муҳитга мослашишига боғлиқлигини кўпчилик илм аҳли унутиб қўйди. Унутилган ўсимлик дунёси, инкор этилган қадимий билимлар, кимёвий дорилар тиббий нодонлик бошқа касалликларнинг ажриқ каби жуда тез ривожланишига олиб келди. Инсон саломатлигининг кушандасига айланган сариқ хасталиги, ичбуруғ, камқонлик, буйрак касалликлари бугунги кунга келиб жумҳуриятимиз аҳолисининг тинкасини қуритиб қўйди.

«Сариқ касаллиги бадан рангининг хунук суратда сарғайиб ёки қорайиб ўзгаришидан иборатдир. Бунга сариқ ёки қора хилтнинг сасимасдан терига ва тери остига оқиб боришн сабаб бўлади», — деб ёзади Абу Али ибн Сино. Ва унинг давосини айтиб ўтади. Бироқ, аллома айтиб ўтган гиёҳлар асрлар оша ўша даврдаги хусусиятини тўла сақлаб қолдими?

Жумҳуриятимизда «кўпга келган тўй»дек бўлиб кетган бу касалликдан азоб чекаётган оналар ва болаларни кўрганимда ҳар сафар ўша фикрлар мени тинчитмайди. Мувозанати бузилган инсон саломатлигини тиклашда такрор ва такрор шифобахш гиёҳларга суянишимиз керак, деган ўй мени ўз ҳолимга қўймайди. Сариқ хасталигининг давосини сунъий дорилардан эмас, доривор ўсимликлардан излаш мақсадида тоғу тош кездим. Касбим боис, она тупроғимизнинг қадамим етмаган жойи қолмади, ҳисоб. Бундан ўн йил аввал мен орзиқиб кутган дори дунёга келди. Беш хил гиёҳдан тайёрланган бу дори хасталик азобини чекаётганларга халоскор бўлади, деб умид қилдим. Аммо у ўн йил мобайнида етим боладек елкасини букиб, нияти холислигини тушунтириш учун кирмаган расмий эшиги қолмади. Расмий доиралар унга ишонишни хоҳламадилар. Доридан шифо топган минглаб беморларнинг мактублари ҳам ишонч ёрлиғи вазифасини ўтай олмади. Нафақат жумҳуриятимиз, балки Иттифоқимизда шифо топган беморларнинг истаклари ҳам шунчаки қоғозларда қолиб кетди.

Ниҳоят, ўтган йили дори учун зарур ҳужжатларни жамлаб, уни ишлатиш учун рухсат беришларини сўраб Марказга юборган эдик. Аммо Марказ ҳалигача сукутда. На тасдиқ, на инкор мазмунидаги бир парча қоғоздан ҳамон дарак йўқ. Жумҳуриятимизда эса беморлар сони ҳамон ортиб бормоқда.

Баъзан инсон нимадандир ранжиса, бироз-гина ҳасрат қилиб: «энди омади гапни бир айтдим — қўйдим-да», деб қўл силтаб қўяди. Бироқ биз эса, энди буёғига қўл силтай олмаймиз. Чунки, қўл ортида алифбоси неча бор ўзгарган, тарихи деярли унутилган, шифобахш гиёҳларининг номини умуман фарқлай олмайдиган, асосий қисми турли хасталиклардан кўнгли яримта бўлиб қолган оддий фидойи меҳнаткаш халқ турибди.

Демоқчиманки, халқ табобатининг ўқ томирлари ҳали қуриб улгурган эмас. Ҳозирги кунимизда хориждан келаётган дориларни топиш ҳам анқонинг уруғига айланди. Иттифоқимиз бўйича 1990 йилда дори-дармонлар учун 8,5 миллиард сўм ажратилган бўлса, бор маблағ 6,2 миллиардни ташкил этади. Етишмовчиликни қоплаш учун СССР Олий Советининг I сессиясида эълон қилинганидек, ҳукуматимиз 0,5 миллиард инвалюта ажратган эди. Бу маблағ, табиийки, дори-дармонга бўлган талабни қондиролмаганлиги учун дорихоналардан оддий бош оғриқ дорисини топиш ҳам амримаҳол бўлиб қолди.

Биз шу пайтгача шифобахш ўсимликлардан тўғри фойдаланишни йўлга қўйган бўлганимизда, кўп жиҳатдан ютсак ютардикки, ютқизмасдик.



ИЛМ — ЎЗНИ БИЛМАКДИР

Йиллар мобайнида доривор гиёҳларни деярли муҳофаза этмай қўйганимиз боис, баъзи қимматли ўсимлик турлари аста-секин йўқолиб борди. Қимматбаҳо хомашё манбаи ҳисобланган омонқора, бозулбанг, бўзноч, чойўт каби гиёҳларимизни ҳам бугунги кунда шундай тақдир кутмоқда. **Шунинг учун жумҳуриятимизда дори-дармонларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, наботот оламимизда учрайдиган шифобахш ўсимликлардан фойдаланиб, йўқолиб кетаётган, самарали даволаш хусусиятига эга бўлган ўсимлик турларини экинга айлантириш, ўстириш ва улардан фойдаланиш дастурларини яратиш лозим.**

Тиббиётчи олимларимиз, доришунослар билан ҳамкорликда дори-дармонларни ўсимлик хомашёсидан тайёрлаш керак. Бунинг учун Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ва жумҳурият Соғлиқни сақлаш нозирлиги ўз кучларини бирлаштириб, илм аҳлларининг илмий тадқиқотларини марказлаштиришлари лозим.

ЯРАТИЛГАН ЯНГИ дори-дармонларни синовдан ўтказувчи ва ишлаб чиқаришга кенг йўл очиб берувчи қонуний кучга эга бўлган махсус доришунослик ташкилотини ўз жумҳуриятимизда тузишга эришиш зарур.

Бугунимизнинг яна муҳим муаммоларидан бири инсон саломатлиги учун зарур бўлган тозалик омилларига эътиборни қаратишдир. Кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган яхши таъмли тиш ювиш пасталари, атирсовунлар, аёлларимиз учун пардоз-андоз воситаларини ҳам биз бемалол ўзимизда ишлаб чиқишимиз мумкин. Хорижий мамлакатларга тўлайдиган тилломизни иқтисод қилиш ҳисобига бу ишни ташкил этиш мумкин. Яъни, дунё ўсимликлар оламида 2500 тур гиёҳда эфир мойи бор. Шулардан 75 тури жаҳон миқёсида кенг қўлланилади ва улардан 40000 тонна юқори сифатли эфир мойи олинади. Иттифоқимизда эса 1980 — 1986 йилларда ўртача ҳар йили 1124 тонна — 39 номдаги эфир мойлари ишлаб чиқарилган. Аммо бу кўрсаткич йил сайин пастлаб бормоқда. Масалан, 1940 йилда 5 тонна арпабодиён мойи, 181 тонна ялпиз мойи ишлаб чиқилган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирга келиб 1,2 ва 96 тонналарни ташкил этади.

«Қўл билан берганга қуш тўймас», деганларидек четдан оладиган маҳсулотларимиз аҳоли талабини ҳеч қачон тўла таъминлай олмайди. Шунинг учун биз юқоридаги ўсимликлардан эфир мойларини ажратиб олиб, уни истеъмолга чиқарадиган ўз корхонамизга эртами-кечми, албатта, эга бўлишимиз керак. Чунки, бизда ўсадиган 600 дан ортиқ ўсимлик турлари ўзида эфир мойларини сақлай олиш хусусиятига эга. Улардан олиниши мумкин бўлган эфир мойларининг сифати эса жаҳон кўрсаткичига тенг келиб, бемалол беллашиши мумкин. Мен бу сўзни осмондан олиб айтаётганим йўқ, эфир мойларига жаҳон бозорида қизиқиш жуда катта. Ғарбий германиялик мутахассислар билан учрашганимизда биз олган эфир мойлари улар томонидан юқори баҳоланди.

Лимонли шувоқ, ялпиз, ёронгул, кийикўт, райҳон, тоғрайҳон, мавраќ, арпабодиён каби қимматбаҳо эфир мойли ўсимликларни хомашё сифатида келтирадиган фойдасини яхшилаб хомчўт қилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этишни режалаштириш зарур.

Гулхайри ўсимлигидан олган озиқ-овқат саноатида ишлатиш мумкин бўлган бўёғимиз ҳам гиёҳшунос олимларнинг биргаликда олиб борган изланишлари мевасидир. Бу бўёқни саноат усулида олиш Ўзбекистон Фанлар Академияси О. Содиқов номидаги Биоорганика институтининг бир гуруҳ олимлари, жумҳурият озиқ-овқат саноати илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Чортоқ озуқа концентратлар ишлаб чиқариш тажриба заводи мутахассислари билан ҳамкорликда яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу бўёқ озиқ-овқат маҳсулотларига кўриниш бериб-гина қолмай, балки унинг таркибини турли дармондорилар, органик кислоталар ва бошқа моддалар билан бойитади. Сифатини яхшилайди, қимматини оширади. «Гулдаста» деб номланган бу бўёқ, шунингдек, гўштларга муҳр босишда, гўштдан қиймалар тайёрлашда кенг миқёсда ишлатилиши мумкин.

1989 йилда Тошкент гўшт ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган тажриба якунларига асосланиб айтиш мумкинки, 21 кг табиий бўёқ чиқиндига кетадиган 1286 кг гўштни тежаб қолди.

Бугунги кунда бизнинг тавсиямизга кўра Наманган вилоятининг Чортоқ туманида 140 гектар ерга гулхайри экилиб, парвариш қилиняпти.

Шунингдек, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган «РАЙҲОН», «ТОҒ ЧЕЧАГИ», «ТОШКЕНТ» ичимликлари аллақачон халқ истеъмолига кириб кетди. Қувватбахш, камёб «САМАРҚАНД БАЛЬЗАМИ» Лейпциг шаҳрида ўтказилган кўрикда олтин медаль совриндори бўлди, уни баъзи хорижий давлатлар ҳам сотиб олмоқда.

Баҳорда ажиб бўй таратиб, ҳиди билан сизни сархуш қилиб қўювчи чечаклар — мойчечак, тирноқгул, бўймадорон, ўлмасўт, зира, қора зира, қорақат, итбурун, чаканда, алқор, қораандиз, қонтепар, мингтомир — биз санаб саноғига ета олмайдиган шифобахш ўсимликлар она табиат томонидан инсон саломатлиги деган гавҳарни асраш учун яратилган-ку. Ёки эрмонни олиб кўрсак:

**Эрмон хосиятин эшитгин жиндай,**
**Бу Али, Буқротнинг фикридир шундай.**
**Биринчи ўринда иссиқлик бу ўт,**
**Қуруқликда икки, буни ёдда тут.**
**Ҳайдовчи, очувчи ва қотирувчи,**
**Шираси меъдага зарар сочувчи.**
**Сафро учун яхши сурги бўлади,**
**Сариқ дарди ундан ғамга тўлади.**
**Қувват олур ундан меъда ва жигар,**
**Носур дарди кетар ейилса агар.**
**Эски иситмага шифодир ҳар чоқ,**
**Яна тиш оғриса, оғриса қулоқ!**

Халқимиз асрлар мобайнида кўз қорачиғидек асраб келган, араб имлосидан ҳозирги ёзувга ўгирилмай, сирли хазинадай кишиларимиз эътиборини ўзига тортиб келаётган, шифобахш ўсимликларнинг хосиятини муфассал баён қилган илмий рисолалар ҳали ўз таржимонини кутиб ётибди.

Шу сабабдан халқимиз орасида қадимгидек халқ табобатининг зукко вакиллари деярли учрамай қолди. Кишиларимиз табиий бойлигимиз — гиёҳларимизни асраб-авайлаш кераклигини ҳам ёддан чиқариб қўйди. Уларнинг табиий хусусиятларини чуқур англамасдан туриб, топтаб, қирон келтирди. Сохта гиёҳшунослар кўпайиб кетди. Баъзилар пул дардида ўзи яхши англаб етмаган гиёҳларни «фалон касалликка даво бўлади» деб чўнтагини қаппайтириш хаёли билан яшамоқдалар. Бундайларни кўриб кишининг виждони азобланади.

МАНА, ҲАДЕМАЙ БАҲОР КЕЛАДИ. Ёш-яланглар қирлар қўйнига, тоғлар бағрига ошиқади. Лолалар илдизи билан юлиб олинади. Чучмўмалар бир ҳидланиб, отиб юборилади. Яшаш умидида қуёшга интилган беозор, шифобахш гиёҳларимиз бешафқат, қўпол инсон товонларида янчилади, топталади. Мен бундай ҳолатларни кўрсам, қаттиқ изтиробга тушаман. Гўё улар гиёҳлармас-у ногаҳоний хасталикдан кўксини жимгина ушлаб, ерга қулаётган, таъналн нигоҳларини биздан узмаётган гўдакларимиз...

Биз табиат китобини инсоф кўзи билан ўқишга одатланмас эканмиз, руҳимиз оламида савоб деган чечак ҳеч қачон илдиз отмайди...

Қаҳҳор ҲОЖИМАТОВ,
Беруний мукофоти лауреати

ЁЗУВЧИЛАР ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

# АСРАЙЛИК

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг янги дастури лойиҳасини ҳуқуқий асосларда жиддий кўриб чиқиш керак.

Умумий қоидаларнинг 1-моддасида уюшмани мустақил ташкилот деб эълон қилинадию 2-моддада бу мустақилликка кишан кийдирилади.

«...давлат сири ва ҳарбий сирни матбуотда эълон қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Конституциясида тақиқланган тарғибот ва даъватлар бундан мустаснодир».

Аввало, Ўзбекистоннинг армияси йўқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги давлатлар рўйхатида ҳам бундай давлат борлигини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Шундай бўлгач, ҳеч бўлмаса қалам аҳлини алдамаслик учун Ўзбекистон деб таъкидлайвермаслик керак.

Ёзувчи табиатан адолатнинг соқчиси, халқнинг дардини айтувчи ҳақиқат учун дор тагига дадил борадиган инсон бўлмоғи зарур. Бундан ташқари, агар давлат чизиб қўйган чизиқдан чиқмаслик керак бўлса, ёзувчи бечора «халқимиз пешонасига пахта экманг» дейишдан ҳам маҳрум бўлади. Ахир мамлакатга пахта керак, кўп пахта керак. Пахтадан кўйлак, арқон, кафанлик...

Асос қонуни (Конституция) мукаммалми? Аввало, жумҳурият Асос қонунини халқаро ҳужжатлар, хусусан инсон ҳуқуқлари халқаро баённомаси асосида ёзиш керак, ёзиш керак эмас, қуриш зарур. Лойиҳани эса фақат демократик тарзда сайланган Ўзбекистон халқ депутатлари муҳокама қилишлари мумкин.

Асос қонуни ҳозирги ҳолда дунёдаги демократик давлатлар қонунларига яқинлаша олмаган.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси жумҳуриятдаги демократик ташкилот эканлиги кўпчиликка маълум. Юртимиздаги энг долзарб масалаларни ёзувчилар кўтариб чиққани ҳам сир эмас. Аммо яккафирқалик қусури сақланиб қолган жумҳуриятда уюшмага, унинг раҳбарларига ёзувчиликка алоқаси йўқ ташкилотлар томонидан буйруқ берилаверади.

Шунинг учун ҳам иккинчи моддани қуйидаги жумла билан тўлдириш керак: «... уюшма ҳеч қачон бирон бир партиянинг дастури билан иш юритмайди».

Ёзувчилар уюшмасида бирор йиғин ўтказсак, раёсатда 2—3 ёзувчидан ташқари марказқўм ва яна аллақандай қўмларнинг вакиллари ўтиришади.

Мен уларнинг мажлисда қатнашишларига қарши эмасман. Лекин жиловни қўлга олишга интилишларини кўриб, Иосиф Сталиннинг меросхўри эмасмикин деб ўйланиб қоламан. 10-модданинг бўлакларидан бирида бундай деб ёзилган: «Ёзувчилар учун ижодий ва маиший шароитлар яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилади».

Қандай ғамхўрлик қилинади? Уйсиз ёш шоирга «сен истеъдодлисан, катта шоир бўлиб етишасан, бу кунлар ҳам ўтар-кетар. Ажаб эмас, пешонангга уй битиб қолса».

Шу ғамхўрликми?

Ёш ёзувчига мақтов эмас, уй керак. Хотини билан боласи ижара уйда совуқдан касалманд бўлиб қолишган.

Шунинг учун уюшманинг ўзи ҳар 2—3 йилда ўз кучи билан уй қуриши лозим.

Маблағни қаердан олиш керак?

Ёзувчилар журнал кераклиги ҳақида тинмай гапиришавергач, «Ёшлик» ойномаси очилди. Лекин у бугун асосан комсомолники. Бир неча йиллар давомида нашриёт деб нола қилишгач, «Ёзувчи» нашриёти очилди. Ҳамма ҳужжатни тайёрлаган, совчи қўйган Ёзувчилар уюшмаси бўлдию матбуот қўмитасига тегди. Энди «Ёзувчи» нашриётининг топган-тутгани қўмитага ўтади. Шунингдек, Ёзувчилар уюшмаси муассис бўлган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» каби нашрларнинг даромадлари ҳам нашриётлар ҳисобига тушмоқда.

Ёзувчилар уюшмаси ўз маблағига эга бўлсагина чинакам мустақил ташкилотга айланади.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Тарғибот маркази Москвадан ажралиб чиқди. Бунга сабаб даромадимизнинг 10 фоизини марказга ўтказардик. Энди бу маблағ ўзимизга қолаяпти.

Лекин Адабиёт жамғармаси ҳам марказдан ажралиб чиқди. Бу ташкилот Москвага пул ўтказмас эди, балки марказдан бир неча юз минг пул оларди. Жамғарма пул олмаслик учун ажралиб чиқди. Энди поликлиника, ёзувчилар боғининг ҳоли не кечади?

Лекин ўзбек ёзувчилари Болтиқбўйи ва Кавказ жумҳуриятларидаги касбдошлари каби кетма-кет китоб чиқариш имконидан маҳрум-ку. Қашшоқлик борасида ўзбек ёзувчисининг аҳволи пахтакорникидан қолишмайди.

Ёш шоирлар сочи оқарган пайтда биринчи китобларини зўрға чиқаришаяпти.

Профессионал ўзбек ёзувчилари жуда кам.

29-модда «...Ўзбекистон ва жумҳуриятлар Иттифоқи халқ депутатлигига номзодлар кўрсатади» дейилган. Шу моддани қуйидаги жумла билан тўлдириш керак. «Ёзувчиларни рўйхатга олишда сунъий тўсиқлик қилувчи кимсалар устидан жиноий иш қўзғатиш учун Иттифоқ Олий судигача мурожаат қилади.»

Ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси томонидан кўрсатилган бирорта номзод рўйхатга олинмади. Сайлов қонунини ҳимоя қилиш учун тузилган марказий комиссия бу қонунни бузиш учун, лекин ёзувчиларни рўйхатга олдирмаслик учун бор маҳоратини ишга солди.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси эса кузатувчи бўлиб тураверади.

«Ўн йилдан ортиқ давр ичида бирор асар ёзмаган ёзувчи уюшма аъзолигидан чиқарилади».

Йўқса, ҳаётининг бош мазмунини амал курсиси деб билувчи собиқ ижодкор 20 йил давомида ҳеч нарса ёзмасдан, боз устига уюшманинг раҳбар органларига сайланиб, уюшманинг ўзида ҳур фикрни бўғиши мумкин.

33-моддани қуйидаги жумла билан тўлдириш керак: «Ёзувчилар уюшмасининг валюта ҳисоби очилади, ёзувчиларни хорижий мамлакатларга юбориш билан фақат уюшманинг ўзи шуғулланади».

ҲОЗИР АДАБИЙ ДАВРАЛАРДА Ёзувчилар уюшмаси керакми ўзи деган баҳслар бўлаяпти.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси комфирқа, комсомол ва касаба уюшмалари каби жамоатчилик ташкилоти ҳисобланади. Юқоридаги ташкилотлар ҳозиргача марказнинг филиали каби иш юритиб келишмоқда. Фақат Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси нисбатан эркинроқ.

Шунинг учун ҳам Ёзувчилар уюшмасини асраб қолиш керак.

Тўра МИРЗО

## ҚАРИНДОШИМ, ҚЎШНИМ, ҚАРДОШИМ




## ВАТАН МЕНДАН БОШЛАНАДИ

Атоқли шоир ва олим, адабиётимизнинг толмас таржимони ва тарғиботчиси Халил Рзо бугунги кунда фақат ўз юртидагина эмас, балки бутун дунёда танилган жасур ва ватанпарвар шахсдир. Бу ўтнафас шоирнинг ўттиздан ортиқ шеърий китоблари ҳам, ўнлаб илмий асарлари ҳам, беш юздан зиёд жаҳон халқлари шоирлари ижодидан қилган таржималари ҳам, турли адабий йиғинлару халқнинг тўй-маъракаларида сўзлаган нутқлари ҳам ягона бир руҳ — Ватан ва Миллат муҳаббати, манфаати руҳи билан йўғрилган.

Халил Рзонинг 1989 йилда босилган «Ватан мендан бошланар» китоби (гарчанд шундай қайта қуриш ва ошкоралик замонида ҳам халққа бир йил давомида тарқатилмай, ушлаб турилган бўлса-да) Озарбойжон жумҳуриятидаги мустақиллик ҳаракатида шоирнинг жасур овози сифатида ҳамиша янграб, озарбойжон халқининг ўз тараққиёт йўлидан боришида порлаган маънавий юлдузлардан бири бўлиб чарақлаб турди. Бу китобда озар туркларининг шонли ўтмиши ҳам, тарихдаги фожиалари ҳам, яқин ўтган йилларда бошдан кечирган оғир кунлари ҳам, нурли келажакка бўлган буюк ва асосли ишонч ҳам мужассамдир.

Маълумки, ўзбекистонликлар ва озарбойжонликлар қадимда ҳам боболари туркистонликлар, туронликлар каби қондош, тилдош, диндош эдилар, кейинги даврларда ҳам, яхши-ёмон кунларда ҳам қисматдошдирлар. Бу икки қондошнинг тарихдаги, илму фан ва маданиятдаги шарафлари бир-бирига мос, ўхшаш бўлганидек, кейинги етмиш йиллик ҳаётларида ҳам ўхшашликлар кўпдир. Бугунги ўзбеклар эски маданият ва меросларидан, жонажон Туркистондан — йигирманчи йилларгача ватанлари Туркистон деб, миллатлари турк деб аталганидан, аждодларидан ва қондошларидан қай тарзда сунъий узиб ташланган бўлсалар, озарбойжонлар ҳам шу маънавий зулм азобига дуч қилиндилар. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бизнинг умумжаҳон тараққиётидан ажратиб турган жаҳолатимиз, имконсизликларимиз, алданишларимиз, фожиаларимиз — Оролдаги ва Ҳазардаги сув бўғовлари ва радиациялари, Сумгаит, Шуша, Бокудаги ва Фарғона, Пскент, Ўшдаги қотилликлар ва қурбонликлар — буларнинг барчаси учун қайғу-мотамларимиз, алам ва умид билан келажакка боқишларимиз ҳам ўхшаш. Кўп ҳоллардаги дардларимизга, фожиаларимизга аслида, ўз-ўзимизни билмаслигимиз ҳам сабабдир; масалан, йигирманчи йиллардаги машъум ва мудҳиш сиёсат туфайли «турк» сўзи қатағон қилинди, натижада, бугунги ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар, туркманлар ва барча туркистонликлар бутун турк дунёсидан ажратиб қўйилдилар: озарбойжонлик турк қавмдошларимиз ҳам шу ҳолга маҳкум этилдилар; охири, мана, бугунда ўзбек-месхети, ўзбек-қирғиз «можаролари» ва бу миллатлар ўртасида сохта «душманлик» яратилди. Бугунги кунда Озарбойжонда кўп месхети турклари макон топдилар, бу яхши. Аммо озарбойжон халқининг маълум бир қисмида, ҳақиқий аҳволдан бехабарлик сабабли, ўзбекларга «ўз турк қавмдошини сиғдирмаган, қувган» бир эл сифатида қараш пайдо бўлганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бу — бизнинг, Иттифоқдаги барча туркий халқларнинг умумий жаҳолатимиз, умумий дардимиздир. Биз аждод номимизни муқаддас ва ўн минг йиллардан бери жаҳонда пойдор Турон ва Туркистоннинг ака-ука халқлар эканимизни, Тангритоғда яралган ва дунёдаги бутун турк қавмларининг отаси ҳисобланадиган Турон Отанинг фарзандлари эканимизни, турклигимизни унутаёзган бир пайтда, ҳайриятки, жамиятимизда қайта қуриш сиёсати пок бир нафасдай, янги ҳаводай элимизга ўзи истаганча нафас олиш имконини, ўз тарихи ва ўзлиги ҳақида сўзлаш ҳуқуқини берди. Халил Рзонинг қуйида сиз ўқийдиган шеърлари худди шу хусусдадир.

**ТАРЖИМОН**

Халил РЗО

### МЕНДАН БОШЛАНАР ВАТАН

**Қарибман — тонгги машқ тошларин отдим,**
**Уч кунча уйқуга тўйгунча ётдим.**
**Ўтиб кетди беш кун, ўтди ўн беш кун.**
**Томир-томиримга тушгандай тугун,**
**Тизларим титрайдир, суст, ланжу лангман... —**
**Қафасда мушукдай ётган фалангман!**
**Бас! Бўлмас! — дедиму ўрнимдан қалқдим.**
**Пўлат камаримни белимга тақдим.**
**Бир тоғ шаршараси менга ҳамнафас**
**Елкамдан отилиб, ҳайқирди:**
**— Бўлмас!**
**Яна мен ўзимни машққа чоғладим,**
**Чопқи бошмоғимнинг ипин боғладим,**
**Чопдим —**
**Ер куррасин жиловин топдим,**
**Тортдиму тўхтатдим. Ер ҳам шу нафас**
**Нафаси сиқилиб ҳайқирди:**
**— Бўлмас!**
**Бир вақт Тангритоғдан Алпга, Карпатга**
**Йилдирим мисоли бир каманд отган,**
**Наъраси ўлкадан ўлкага етган**
**Жасур оталарнинг ўғлисан! Бўлмас!**
**Ҳар инсон борлиғида**
**Бор эрур икки хислат:**
**Кўз-қош оралиғида**
**Қўрқоқлик ва жасорат,**
**Ожизлик ва диёнат,**
**Хасислик ва саховат,**
**Тараддуд ва қатъият.**
**Қалқ энди! Ўзингни қайта кашф этгил,**
**Кураш майдонида қаддинг тик тутгил:**
**Бўйнида галстук, бўғма илонлар**
**Жонингга қасд қилур —**
**Барин янч жанг-ла.**
**Сустлик — ҳаётингни емирар, англа.**
**Қара, тонг оқармоқда...**
**Одимла қуёш билан —**
**Тупроқдан бошланмас, йўқ,**
**Инсон қонидаги ғайрат селидан,**
**Сендан бошланар Ватан.**
**Мендан бошланар Ватан!**

### ТУРК СЎЗИДАН ҚЎРҚҚАН ГАДО

**Ғалати бир феълинг бор:**
**Турк сўзин эшитсанг, бас, шарт ўрнингдан турасан,**
**Овсарланиб, сўзингни бошқа ёққа бурасан.**
**Жияним исми — Туркэл,**
**Яшар қишлоғим — Туркан,**
**Шеъримда кўрсанг, дарҳол бузарсан, ўчирарсан.**
**Ё Мардакан ёзарсан,**
**Ё Шавалан ёзарсан, токи Туркан бўлмасин.**
**Ичингда ғўлдирайсан, боладай мўлтирайсан,**
**Баъзан ошкора дейсан:**
**— Қардош, «Туркан» ўлмасин...**
**«Қардош» сўзини ҳеч дам**
**Тилга олма, эй гадо!**
**Сўздан қўрққан одамдан қардош бўлмас дунёда**
**Яқинга ҳам, ётга ҳам.**
**Бу дунёда минг турли қўрқоқларни кўрдим мен:**
**Ўтдан, сувдан, денгиздан, илондан қўрққанлар бор,**
**Жин-ажина, хаёлий ҳайвондан қўрққанлар бор.**
**Аммо сўздан қўрққанни дунёда кўрибди ким?**
**— Йўўқ, бу оддий сўзмас, — дер.**
**— Турк сўзидир бу, жоним!..**
**Бас, танидим мен сени, виждонсиз, бир майитсан,**
**Ўттиз еттинчи йилдан қолган думсан, бир хилтсан.**
**Қай йилда туғилгансан? Қирқинчими?**
**Не фарқи?**
**Ҳаққи йўқ туғилдим деб айтса элнинг қўрқоғи!**
**Бордир ҳар жиноятда қўрқоқ қўли, бармоғи!**
**Сендайин кимсаларни супурмасак жаҳондан,**
**Инсонлар боши чиқмас зулм ила қирғин-қондан!**
**Сенга хитоб этмоқни ор билсам-да ўзимга,**
**Бироқ гап бошлаб қўйдим, қулоқ бергил сўзимга:**
**Ҳар ҳолда, сендан кўра беш-олти ёш буюкман —**
**Ердаги буюк дарё — Нилга ўхшаган туркман.**
**Озарбойжон туркиман, бу сўйнинг шоҳ бутоғи,**
**Кўксимда эраларнинг манбалари — қайноғи.**
**Ернинг муз қатламларин эриттан қудрат менман,**
**Тош даврини яшаган, тунж даврини яшаган,**
**Темир даврида пўлат эритган ҳикмат менман.**
**Оврупони уйғотди Атилланинг қиличи.**
**У қилични Фузулий қаламига чевирган**
**Журъат, лаёқат менман.**
**Ракетларнинг онаси — аравани кашф этган,**
**Бир неча улусларга —**
**Юнонларга, русларга,**
**Лаҳларга, олманларга, чехларга, тунгусларга**
**Минг-минг сўзни бахш этган башар отаси Туркман!**
**Қулоқ сол, эй, ақли кам:**
**Мендан бошланар тарих.**
**Тарих каби билгинман ҳам тарих каби қари.**
**Туркман, неча миллатга ўз қонимни бермишман,**
**Денгизлар юрагимда, уммонимни бермишман.**
**Бориб кўр Камчаткани, кезиб боқ Алйаскани,**
**Америка эгасин сўр — у ерда бор илдизим.**
**Тилларини солиштир,**
**Ўша қадим ҳиндулар ўз боламдир, ўз қўзим.**
**Мен сўкмоқмас, тарихнинг каҳкашоний йўлиман,**
**Дада Қўрқут, Алпомиш, Манасман, Гўрўғлиман!**
**Шеъру илму рубобнинг илк баҳор насими — мен!**
**Туркистонда Фаробий, Ироқда Насимий — мен!**
**Бир қанотим Навоий, бириси Юнус Имра.**
**Ўрган — қайси мақомда ингандим кўкдан ера.**
**Неча миллатнинг сочи қўлларим-ла таранди,**
**Иохан, Иван сўзи**
**Бизнинг «Хан»дан яранди.**
**Улуғ — Олег қардошдир, Уғур — Игорь бўлгандир,**
**Булар жумбоқ, чистонмас, тарих оша келгандир.**
**Эдил, Иртиш, Енисай, Қизилирмоқ — қўлларим.**
**Ернинг шоҳ томиридир жангу кураш йўлларим.**
**Йўқ, бегона бўлмадим мен ҳам хайр ила шарга**
**Мен «Человек» сўзини бахш айладим башарга.**
**Сен пуч йўлда озғунсан.**
**Туркка қарши қўйилган жосусларни кўп кўрдим.**
**Аммо турк ичра юриб,**
**чиркинликдан тозариб,**
**Ёмонликлардан тонмиш,**
**Ўзи туркка айланмиш.**
**Туркман.**
**Битта тўлқинман — денгиз ичра буюкман.**
**Сен кимсан?**
**Бор, онангдан сўраб бил кимлигингни.**

**Тоҳир ҚАҲҲОР таржималари**

**МАРҲАБО**

### ҲАШАР

Отамга

**Бугун уйда йўқсиз гарчи якшанба,**
**Бир кунлик ҳордиқни нари итариб,**
**Саҳардан қайсидир қўшниникида**
**Девор ураяпсиз терлаб, қизариб.**
**Оҳорли дўппингиз кўрпа қатида**
**Байрамларни кутар, тўйларни кутар,**
**Жони жонингизга туташ бу элнинг**
**Кўпроқ ҳашарида умрингиз ўтар.**
**...Мен яшар кўчада яхшилик қиммат,**
**Ҳашарга чақирсам, ҳеч ким чиқмайди.**
**Бунда бир юракдан чиққан оқибат**
**Таъмасиз бир дилга калла тиқмайди.**
**Мен яшар кўчада нукуслик гўдак**
**Йиғлар туз йиғилган қовуғин ушлаб,**
**Мен уни нима деб юпатай, ота?**
**Мен уни қаерга обқочай?**
**Мен яшар кўчада келажак-сўроқ,**
**Қурир бисотимда ёлғиз денгиз ҳам.**
**Қуриётган фақат у эмас бироқ,**
**Тугаб бораётган ёлғиз у эмас..**
**Баъзида сиз эккан токларга боқиб,**
**Уялиб кетаман одамлигимдан,**
**Улар ҳамон сўритокларда яшар,**
**Улар қишда ухлаб, баҳорда туриб,**
**Ҳамон шу ҳовлини билишар Ватан.**
**Яшил баргларида шаббодаларга**
**Ҳамон ўз тилида куйлайди қўшиқ.**
**...Менинг забонимни тингланг, отажон,**
**Кейин қулоқ беринг, набирангизга,**
**Дейсиз: қай лаҳжада нени сўзлайдир,**
**Ваҳ, билиб бўлмайдир, билиб бўлмайдир!**
**Мен сизни ҳашарга чорлайман, ота.**
**Юрагимнинг чуқур-чуқур ерига.**
**У ерда ростларим нажотсиз ётар,**
**Журъатларим патсиз, қанотсиз ётар.**
**Ширин ёлғонларни шимиб яшадим,**
**Гўзал ёлғонларни қучиб яшадим,**
**Ёлғон билан бошни балодан асраб,**
**Балки етмиш йилдан кўпроқ яшадим.**
**Узоқ яшадим мен, узоқ яшадим.**
**Рост сўзларим:**
**гўдакларим,**
**яланғочларим**
**Кўзлари жовдираб қолаверди жим.**
**Мен сизни ҳашарга чорлайман, ота,**
**Зангор минорларни ғурурин туймас,**
**Буюк боболарин руҳига куймас**
**Мозийдан бегона, ҳайрон кўчага.**
**Ўзлиги, эртаси безовта қилмас,**
**Шоир болалари жонин тикса ҳам**
**Тузатиб бўлмас бир вайрон кўчага**
**Мен сизни ҳашарга чорлайман.**

### ҚОДИРИЙНИ ЭСЛАБ

**Қолди фақат халқнинг дўстлари,**
**«Халқ душмани» — Қодирий**
**кетди.**
**Алвон кўйлак кийган, эй Ватан,**
**Гуллаб-яшнаб кетасан энди,**
**Ўтган кунинг қаро кун бўлса**
**Келар кунинг нурафшон бўлар.**
**Мачитларсиз, жойнамозларсиз**
**Сени обод қилади дўстлар.**
**Номдор бўлиб кетасан, халқим,**
**Битиб кетар каму-кўстларинг.**
**Душманларни фош қилиб охир**
**Омон қолди фақат дўстларинг.**
**Замонанинг зайлига қуллуқ,**
**Беклар ётдир яхшими-ёмон.**
**Кўкан бўлсин ҳамма ўзбеклар**
**Ва ўлгунча ушласин кетмон.**
**Қозон умум, кўрпа умумда,**
**Қилсин фақат умум юмушлар,**
**Отабеклар пахта экишсин,**
**Ғўза чопсин энди Кумушлар.**
**...Ярим аср, қисқами-узун,**
**Юртни жаннат жой қилиш учун?**
**Чигит эккан Отабекларни,**
**Кўканларни бой қилиш учун?**
**Ярим аср, қисқами узун**
**Юрт ҳавоси мушкка айланса,**
**Тупроқлар соз, дарёлар тўлиқ,**
**Азоб йўқлик тушга айланса?**
**Ярим аср, қисқами узун,**
**Мағрур халқни қул қилиш учун**
**Қизларининг қўлларин қадоқ**
**Жувонларин тул қилиш учун?**
**Тутун пуркар минорлар азиз,**
**Бобонг қурган мезаналар хор.**
**Энг ёмони: ўз қўлинг билан**
**Ўзинг учун қурмоқ экан дор.**
**Дўст-душманин саралаган эл,**
**Эллик йиллик томошангга кел!**
**...Мен пойингга бош уриб, халқим,**
**Бир маънони оғриниб уқдим.**
**Дўст шу бўлса энди ўзингга**
**Қодирийдай душманлар туққин.**

●

**Тонг ёришмай битта жисмимда**
**Уйғонади учта Марҳабо**
**Бири — чўри, бири — хизматчи,**
**Бири — шоир, мискин, бенаво.**
**Хизматчи мен шошар бекатга,**
**Уй супурар Марҳабо чўри.**
**Шоирамнинг иш жойи — юрак,**
**Унинг-чун йўқ қаламдан зўри.**
**Соат саккиз. Уйдан чиқаман,**
**Бир жисмимда учта Марҳабо.**
**Бир кунини кўрар болалар,**
**Паноҳида асрасин худо.**
**«Маошгача неча кун қолди?»**
**«Соат қачон бўлади олти?»**
**Ҳар кун шундай қўшиқ айтаман,**
**Уч бўлиниб уйга қайтаман.**
**Она, яна аёл Марҳабо**
**Етмиш йилки уйга қайтмайди.**
**Уч Марҳабо ортиқча бизга,**
**Икки Марҳабо-чи етмайди.**
**Болаларим туғилаверар,**
**Ва унутиб ўсар эртакни.**
**Ҳуқуқлари тенг аёл билан**
**Яшаш қийнар шўрлик эркакни.**
**Марҳаболар балки ёмондир**
**Ёки ёмон фақат замондир.**
**Не замонки, эркак зотига**
**Чин аёлни қучмоқ армондир.**
**Сен-чи, қанча чидайсан яна?**
**Бўласанми бир кун онали,**
**Калитини бўйнига осиб,**
**Кўчаларда юрган болалик?!**

---

*Эшқобил ШУКУР:*

## РУҲИЙ ИСЁН ПАРЧАЛАРИ



**— Эшқобил ака, Шарқ шеърияти бир вақтлар ўзининг нафислиги, жарангдорлиги билан дунёни ларзага солган эди. Ҳозирги шеъриятимизда эса Ғарб адабиётига тақлид сезиларлидир. Ҳозирги шеъриятимизнинг аввалги обрўсини тиклаш учун нима қилиш керак деб ўйлайсиз?**

— Ойбек домланинг бағрикенглиги ҳақида шундай ҳикояни эшитганман: ҳаваскор шоирлар ўз машқлари ҳақида фикр эшитиш учун Ойбекнинг ёнига тез-тез келиб туришар экан. У киши ҳаваскорларнинг орасида умуман шеърий иқтидори бўлмаган ёшларнинг ҳам энг бемаза шеърларини маъқуллар, ҳатто юқори баҳолар экан. Баъзида Ойбекнинг дўстлари ундан: «Сиз мақтаётган шеърларнинг нечоғли арзимас эканлигини ўзингиз биздан кўра яхши биласиз. Буни қандай тушунса бўлади?» деб сўрашса, у: «Кўчада безорилик қилиб одамларнинг кўнглини хира қилганидан кўра, шеър ёзгани яхшида. Дилига шеър ҳаваси тушган одам безорилик қилолмайди, эзгуликнинг этагидан маҳкам тутиб олади», деб жавоб берган экан.

Мен бу ҳикояни эшитганимдан сўнг узоқ вақт Ойбекнинг бағрикенглигига, саховатига қойил қолиб юрдим. Лекин кейинроқ ўйласам, Ойбек ўзи билмасдан хато қилган экан. Чунки, кўчада безорилик қиладиган одам борингки, ўн-ўн беш одамнинг кўнглигини хира қилади. Адабиётда «безорилик» қиладиганлар эса бутун бир халқни йўлдан уради. Улар Ойбекка ўхшаган нозик табиатли кишиларимиз бағрикенглик қилмаганида ҳам барибир сохта адабиётнинг қоғоз устунига айланиб даврон сурарди. Қатағон йилларида, турғунлик даврида ана шундай «безорилар»нинг аксарияти турли йўллар билан шуҳрат қозониб, байроқдорларга айландилар. Давраларнинг тўри, минбарларнинг нури уларга ато қилди. Ато қилди эмас, улар ҳаммасини халққа айтиладиган ёлғон эвазига сотиб олдилар, ҳатто А. Қодирий, Чўлпон, Ойбек каби чинакам санъаткорларни бир четга суриб ташлашдан ҳам тоймадилар. Сохта шоирлар адабиётни партиянинг сўзамол армиясига айлантириш учун қулларча садоқат билан хизмат қилдилар. Партия эса, етмиш йил ичида етмиш хил турланди. Адабиёт турланмайди ҳам, тусланмайди ҳам. Адабиёт — Ҳақиқат. Ҳақиқат хилма-хил либослар кийиб, хилма-хил сиёсатлар конкурсида иштирок этмайди.

Адабиёт армияга айланмайди. Бир гуруҳ сўз сотувчилар тўдасини кўрсатиб «Мана шу адабиёт!» деб айтганлар гумроҳдирлар.

Яна шуниси ҳам борки, халқ ерга ёпишиб ётган бўлса ҳам истеъдодларни майдонга чиқараверади. Лекин эзиб ташланган бундай халқ дунёга отилиб чиққан юрак парчаларини ҳимоя қила олмайди. Бундай вазиятда истеъдодларнинг камдан ками ҳақиқий Адабиётга етиша олади. Уларнинг кўпчилиги қурбон қилинади, кўпчилиги эса йўлдан урилади. Худди шундай даврда биз ўз тарихимиздан, маънавий меросимиздан узилиб қолган эдик. Бизнинг шоирларимизга ўзлари шарқлик бўлсалар-да, Шарқда яшасалар-да, улар учун шарқ адабиётини ўрганишдан кўра, Русия ва Ғарб адабиётини ўрганишга имконият бор эди. Шарқда шоирлар биринчи навбатда улкан Шахслар бўлганлар. Улар яшашда ҳам, шеъриятда ҳам, ижтимоий муҳитда ҳам ҳалол улуғликка интилганлар ва улуғ саналганлар. Биз ҳатто уларнинг шундай эзгу анъанасини ҳам сақлаб қололмадик. Ҳозирги шеъриятимиздаги Ғарб таъсирининг илдизини шунда деб биламан. Ғарб адабиётини билишни, ундан таъсирланишни қоралаб бўлмайди. Лекин аввало одам ўз ота-онасини таниши керак, яъни шарқлик одам аввал Шарқни билиши керак. Бусиз биз барибир муаллақ қолаверамиз.

**— Сизнингча шеъриятнинг ўзи нима?**

— Шеър бу ким учундир ҳеч нарса, ким учундир эса, ҳамма нарса. Чинакам шеърни мен инсоний, оламшумул кечинмаларнинг охирати деб тушунаман. Шеър ё дўзах, ёки жаннат бўлиши керак. Дунёда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳаёти алоҳида, ўзига хос оҳанг билан кечади. Бу оҳангни бошқалар, ҳатто шу одамнинг ўзи ҳам ўзгартиришга қодир эмас. Демак, жамики жонзотларнинг ва жонсиз нарсаларнинг мавжудлик оҳанги бор. Бу оҳанг шеърнинг ибтидосидир.

**— Йўқлик-чи?**

— Йўқлик йўқ нарса. Ахир, биз бўшлиқ деб атайдиган мавҳумот садосини қайси дил тингламаган? Инсон руҳиятининг бошланғич ва сўнгги имконияти ҳам, унинг занжирбандлиги ва эркинлиги ҳам, ҳаммаси шеърда мужассамлашади.

**Менга сиғар икки жаҳон,**
**мен бу жаҳона сиғмасман.**

Қарангки, шу бир сатрнинг ўзида қанчалик қудрат бор. Бу мисрани такрорлай туриб, япон адиби Акутагаванинг «Инсон умри Бодлернинг бир сатрига арзимайди» деган гапига ишонгингиз келади.

**— Сўнгги пайтларда ўқувчилар орасида публицистик шеърлар кенг шуҳрат қозонмоқда. Негадир сизнинг ижодингизда публицистик шеърлар кам учрайди?**

— Менимча, чинакам шеъриятга давр ҳукмронлик қилолмайди. Публицистикани эса гоҳ ўз оқимига мослашган ҳолда, гоҳ эса ўзига қарши ҳолда давр бошқаради. Бу билан мен чинақам шеърлар ёзяпман деб мақтанчоқлик қилмоқчи эмасман. Мен ва менинг тенгдошларим ҳам «айланиб ўтиш» қусуридан холи эмасмиз. Яна шуни таъкидламоқчиманки, социализм шеърият ва санъатдан кўра публицистикани афзал кўради. Маддоҳона тушунилган социализм шеъриятни заҳарлади ва ўзининг қобиғида туғилган шоирларнинг пуштини куйдириб юборди. Кейинги эллик йил ичида етишган кўплаб шоир ва адибларимиз менинг назаримда социализм маддоҳларига айландилар. Бу даврда ўзини сақлаб қололган айрим ижодкорларимизнинг руҳи ҳам барибир ғуборлардан холи бўлолмади. Наилож?.. Жамиятдан ажралиб яшаб бўлмаса...

**— Кечирасиз, шу ерда сизнинг фикрингизга эътирозим бор. Негаки, шеъриятимизда маддоҳ шоирлар кўпайиб кетган бўлса, бунинг учун социализм айбдор эмас, балки на социализм, на капитализм системасига кирувчи бизнинг тузумимиз сабабчи деб ўйлайман. Чунки, социалистик ғояларни бундан ярим аср олдин яшаган Навоий асарларида ҳам учратиш мумкин. Биз бўлсак, илгари дунёдаги барча ёмонликларнинг бош айбдори капитализм деб кўрсатган бўлсак, энди акси социализм дейишдан чарчамаяпмиз. Сиз ҳам негадир шу фикрни такрорлаяпсиз. Яқинда Чингиз Айтматов телевидениедаги бир чиқишида одамлари фаровон ҳаёт кечираётган Финляндия ва Швецияни социалистик мамлакатлар, деб атаган эди. Менимча, ҳар бир жамиятнинг ўз инқироз ва гуллаб-яшнаган даври бўлади. Агар ҳозир капитализм яшнаб, социализм инқирозга учраган бўлса, бу шу нарса абадий давом этади, дегани эмас-ку! Хулоса қилиб айтганда, социализм шеъриятни заҳарлаши мумкин эмас.**

— Балки... Лекин мен бизнинг одамларимиз бошидан кечирган ва социализм деб аталган тузум ҳақида гапирдим. Шунинг учун ҳам 80 — йилларнинг публицистик шеърларига қаршиман. Аммо бу даврнинг публицистик мақолаларини жон-жон деб ўқийман. Мақолада ёхуд насрда ифода этиш мумкин бўлган кечинмаларни шеърга олиб чиқиш тўғри эмас.

**— Шеъриятда барибир жанговарлик бўлиши керак-ку?**

— Албатта, шеърлар руҳий исён парчаларидир. Лекин бу исён, бу жанговорликнинг ўз нозик пардалари борки, у нозик шарқона парданинг ичи руҳ юлдузлари билан тўлиқ бўлмоғи зарур. 50-йилларда ҳам, 80-йилларда ҳам публицистика шеърнинг ички ва ташқи кўйлакларини ечиб ташлаб кўчага ҳайдади.

**— Наҳотки, сиз эллигинчи йиллар билан саксонинчи йиллар шеърияти орасида ўхшашлик кўрсангиз?..**

— Ўхшашлик эмас... Тескари пропорция. Эллигинчи йилларда ким партия ва ҳукуматни улуғласа, мадҳиябозлик қилса ўз салафларидан «ўзиб кетди». Саксонинчи йилларда эса, ким ҳукумат ва партияни қораласа, ўша «ютиб чиқмоқда». Биз, аввало шеърга муносабатимизни тўғрилаб олишимиз керак. Албатта, саксонинчи йиллар шеърияти тўғри сўз учун курашишини инкор этиб бўлмайди. Давр шоирлари зўр шеърларни ҳам яратдилар. Лекин, матбуотда мавзуни олди-сотди қиладиган кўплаб қип-яланғоч сатрлар асосий ўринни эгаллади. Ҳақиқат ягона деймиз-у, лекин истаймизми, йўқми, ҳаётнинг ва шеъриятнинг ҳам ўз ҳақиқати бор. Бизнинг кўплаб шоирларимиз шу борада «қовун туширишмоқда». Дейлик, пахта яккаҳокимлиги, Орол муаммоси, қатоғон йиллари, халқнинг оғир аҳволи ҳақида юзлаб шеърлар ёзилди. Афсус... ана шундай шеърлардан борйўғи йигирма ўттизигина шеъриятнинг азалий қонуниятларига жавоб бериши мумкин, аксарияти ўттиз-қирқ йил ичида ўлимга маҳкум. Қип-яланғоч, қуп-қуруқ бақироқ сатрларни (гарчанд улар рост бўлса ҳам) халққа мана шу шеър, деб кўрсатиш барибир халқни алдашдир.

**— Сиз В. И. Лениннинг 1905 йилда ёзган «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» номли мақоласига қандай қарайсиз?**

— Бу мақолага шу пайтгача совет даври адабиётининг манифести сифатида қараб келинди. Ахир «партия адабиёти» деган иборанинг ўзи адабиётни чегаралаб, қолиплаб ташлашдан бошқа нарса эмас-ку. Руҳнинг сарҳади йўқ, демак адабиётнинг ҳам чегараси бўлмайди. Очиғи, бу мақола бизнинг адабиётимизни (аниқроғи, шоирлар ва адибларимизни) чалғитиб юборди. Уларнинг асарлари фақат шу мақоладаги фикрлар ва кўрсатмалар асосида баҳоланди. Яқин йилларгача шоирларимиз партия ҳақида, Ленин ҳақида ёки социализм ҳақида шеър ёзмасалар, китоб чиқара олмас эдилар. Истасанг-истамасанг, ёзишинг керак эди. Бундан ортиқроқ аянчли ҳол бўлиши мумкинми? Қолаверса, «социалистик реализм методи» деган тутуруқсиз гап билан барча ижодкорларни бир катакка қамаб қўйишди. Ахир, реал социализмнинг ўзи бўлмай туриб, социалистик реализм қаердан пайдо бўлди?

Мақолада «Бу адабиёт эркин адабиёт бўлади» дейилади. Яхши жаранглаган. Лекин, адабиёт маълум бир ташкилотга (дейлик, партия ташкилотига) бўйсунади-ю, у қандай қилиб эркин бўлади. Мантиқсизлик-ку бу! Адабиёт партиянинг эмас, балки одамзот руҳиятининг хазинасидир. Ўзингиз ўйлаб кўринг, «фалон халқ адабиёти фалон партияникидир» дейиш нақадар кулгули. Ҳатто бу ҳол «Тошматнинг юраги — Иваннинг қовурғаси» дегандай гап.

**— Лекин, В. И. Ленин ўз мақоласида «...Бу адабиёт минглаб, миллионлаб халқ учун хизмат қилади» деган-ку?**

— «Партия адабиёти» номи остида дунёга келган сунъий адабиёт етмиш йил ичида «минглаб, миллионлаб халқ учун» хизмат қилдими? Йўқ! У фақат партия мафкураси учун хизмат қилди ва халқни алдади. «Халққа хизмат» қилмай, халқни ўзига ва партияга хизмат қилдирди. 50- йилларда яратилган кўплаб асарлар бунинг далилидир. Зеро, адабиётни буйруқ билан яратиб бўлмайди. Адабиёт яралади.

**— Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий аҳволига муносабатингиз қандай?**

— Иқтисодиёт ҳар бир халқнинг ўз моддий имкониятлари ва эҳтиёжи асосида шаклланади. Ўтмишда бизнинг ўз амалий иқтисодий илмимиз бўлган ва у ўсиб шаклланиб келаётган эди. Кейинроқ уни яксон қилдилар. Иқтисод илми ҳам, иқтисодий аҳвол ҳам бизга махсус равишда Россиядан экспорт қилинди. Бунинг оқибати эса ҳаммамизга маълум. Ҳозирги Ўзбекистоннинг ўз миллий иқтисодий илми, миллий иқтисодий тажрибаси йўқ. Шунинг учун ҳам халқ қашшоқ, шунинг учун ҳам иқтисодчи олимларимизнинг аксарияти ҳамиша довдираб юрадилар.

Абу Райҳон Беруний қуйидаги мазмунда бир ҳикоятни келтирган: Бани Ҳанифа деган бир қабила хурмо ва ўсимлик мойидан улкан бир санамни ясаб унга узоқ вақт сиғиниб ибодат қилиб юради. Пайти келиб бу қабила очарчиликка йўлиқади ва очликка чидай олмай санам — худо ҳайкалини еб қўядилар.

Биз шу пайтгача маънавий очарчиликни бошимиздан кечириб, ўз эътиқодимизни ҳам еб қўйдик. Энди эса иқтисодий машаққатлар олдида турибмиз. Ким билади дейсиз, Матлуба, бизнинг халқимизни яна нималар кутяпти.

**— Агар ўзингиз иқтисодчи олим бўлиб қолганингизда аввало ишни нимадан бошланган бўлардингиз?**

— Ҳамма ишни Ватанни севишдан бошлаб, Ватанни севиш билан тугатиш керак. Совурилиб кетаётган, халқнинг ўзига насиб қилмай ўзгаларни кийдираётган барча моддий бойликларимизни ўзимизда сақлаб қолиш заруриятини, бизнинг тупроғимиз ҳар бир зарраси олтин эканлигини илмий-амалий исботлаб бериш учун ҳаракат қилар эдим. Энг ёмони, халқ ўз бошидан кечираётган оғир иқтисодий аҳвол моҳиятини ўзи тўла тушуниб етмади ҳали...

**Матлуба АЗАМАТОВА суҳбатлашди**

